

# ТУРАР ЖОЙ ҲУДУДЛАРИНИ ЛАНДШАФТ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ.

Турдалиева Дилфузада Равшан қизи  
(Perfect consult MCHJ дизайнер)

**Аннотация.** Уибу мақолада турар-жой ҳудудларидағи фазовий композицион ечимларига тұхталиб үтилған. Мақсад турар жой ҳудудларини ландшафт ташкил этиши учун ҳамда турар-жой ҳудудларида ахоли учун барча қулайліктер ечими күрсатыб үтилған.

**Аннотация.** В данной статье пространственно-композиционных решениях жилых помещений. Целью является благоустройство жилых территорий и обеспечение всех удобств жителей жилых массивов.

**Annotation.** This article focuses on spatial compositional solutions in residential areas. The purpose is to landscape the residential areas and provide all amenities for the residents in the residential areas.

**Калит сұздар.** Ландшафт архитектураси, дизайн, микрорайён, замонавий турар-жой, кокаламзорлаштириши.

**Ключевые слова.** Ландшафтная архитектура, дизайн, микрорайон, современное жилье, благоустройство.

**Key words.** Landscape architecture, design, neighborhood, modern housing, landscaping.

Бугун замонавий шаҳарлар кўп қаватли бинолари, серҳаракат кўчалари, ўзига чорлаётган дўконлари, бозорлари ва истироҳат масканлари билан инсоннинг ҳаёт тарзига, руҳияти ва бадиий-эстетик дидига таъсир этувчи омилга айланган.

Хукуматимиз шаҳарда аҳолининг турмуш даражасини ошириш масаласига муҳим аҳамиятга молик сиёсий масала деб қараб, туман, вилоятларнинг раҳбарларидан, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йигини бошқарувидан бу ишда бурилиш ясанни қатъян талаб этмоқда. Ана шу ҳаққоний талаб замирида қишлоқларимизни ободонлаштириш, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашдек шарафли вазифалар турибди. Бу, ўз навбатида, шаҳарда қурилиш сифатини яхшилаш, шаҳар меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини юксак бадиий савияга кўтаришга боғлиқдир. Аммо шунга қарамасдан айрим туман ва хўжалик раҳбарлари шаҳарнинг моддий, маданий, эстетик асосларига ва шаҳарда турмуш тарзининг ўзгартирилишига етарлича эътибор бермаяптилар. Бу эса шаҳар аҳолисининг, айниқса, ёшларнинг, ёш мутахассисларнинг келажакка интилиш сабабларидан бири бўлмоқда.

Шу сабабдан ҳам уни ижтимоий-маданий ва моддий ривожлантириш, уларнинг архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафт савиясини ошириш ғоят муҳим умумдавлат ва умумхалқ вазифасига айланди. Турар-жой бинолари типларининг бундай табиий-иклим зоналари (регионлар) бўйича табақаланиши республикамизнинг кейинги йиллар лойиҳалаш тажрибасида ва турар-жой қурилишида кенг қўлланила бошланди.

Уйларни бундай лойиҳалаш ва қуриш услублари шаҳар жойлардаги ҳалқнинг илғор услубларини ривожлантириши, ҳалқ меморчилигидаги илғор анъаналарни ва кенг қурилиш тажрибасини ёйишга сезиларли даражада ёрдам берди.

Туарар-жой худудларини лойиҳалаш, ландшафт ташкил этиш ва умуман олганда бу ерда истиқомат қилувчи аҳолига қулай яшаш муҳитини яратиш азалдан меморлар ва шаҳарсозлар эътиборида бўлиб келган. Бу эътибор турли давларда, турли жамиятларда ва турли мамлакатларда уларнинг ҳудуди, реълефи, аҳоли иқтисодий аҳволи, ҳукуматнинг у соҳага қаратган қарорларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Чет мамлакатлар тажрибасига назар ташлар эканмиз, бу борада ривожланган давлатларда барпо этилган туарар-жой мажмуалари ҳудуди ҳам композион, ҳам режавий, ҳам ландшафт ташкил этиш жиҳатидан ҳам ажралиб турган.

Бу мамлакатларда туарар-жой комплексларда инсон омилига катта эътибор қаратилган. Ҳудуднинг табиий имкониятларидан унумли фойдаланилган. Ландшафт архитектура ва дизайн қонуниятларига яхши амал қилинган.

Аҳоли учун ва айниқса ёш болалар учун шароитлар яратишга катта эътибор қаратилган. Ҳозирги замон чет эл шаҳарсозлигига туарар-жой мажмуалари барпо этишда ландшафт ташкил қилиш масаласида яшил қопламали томлар ёки томларда контейнерларда гул, бута ёки паст бўйли дараҳтлар экиш урф бўлмоқда.

Айниқса аввал ҳам қўлланилган вертикал кўкаламзорлаштириш усули энди янада кенг қўлланилмоқда. Ундан ташқари кўргина муаллифлар томонидан яна янги инновацион таклифлар бериш авж олмоқда. Туарар-жой худудларини ландшафт ташкил этишга қаратилган барча ҳаракатлар замирида ҳам функционал, ҳам эстетик жиҳатдан рационал ечимларни топиш масаласи ётади.

Одатда микрорайонлар энг кўп учрайдиган туарар жой бирлиги ҳисобланади. Улар уй-жойлардан иборат ҳудуд, микрорайон боғи, спорт майдончаси, мактаб ва болалар боғчалари майдони, шахсий автомобиллар тўхташ жойи, жамоат марказидан ташкил топади. Бу худудларни шакллантиришда ернинг тузилишига, яни реълефга эътибор қаратилади. Юқорида қайт этилган ҳудудлар бир-бири билан меморий-композион жиҳатлан ўзаро боғлиқ бўлса-да, уларнинг ландшафт ташкил этилиши турлича бўлади.

Худудларни меморий ландшафт ташкил этишда кўпинча икки усул қўлланилади. Биринчиси микрорайон боғининг яхлит ҳолида шакллантирилиши бўлса, иккинчиси туарар жой ҳудуди бўйлаб кўкаламзорлар массиви тенг тарзда тарқатиб жойлаштирилади.

Биринчи ҳолатда микрорайон боғи аҳолининг кундалик дам олишига мўлжалланади. Бунда, туарар жой ҳудуди зич жойлашади ва унинг атрофи енгил кўкаламзорлаштирилади.



Иккинчи ҳолатда бутун микрорайон ҳудудида турар уйлар ҳовлилари, пиёдалар ва авто - йўлаклар чеккалари ҳамда турар уйларнинг ташки ҳудудлари кўкаlamзорлаштирилади. Микрорайон боғи табиатан мавжуд яшил ҳудудда барпо этилади ёки микрорайон ўртасида қурилишга яроқсиз жарли майдон бўлса, уни кўкаlamзор ҳудудга айлантириш орқали шаклантирилади. Тураг жойлар ҳудуди зич жойлашмаган ҳолатда ҳар бир кўкаlamзорлаштирилган ҳовлида аҳолининг дам олиши учун яшил майдон ташкил этилиши мумкин. Жамоат маркази ён атрофидаги кенгайтирилган ҳудудда яшил майдон ташкил этилиб, у аҳоли ҳордиқ чиқариши учун хизмат қиласи. Агар микрорайон ҳудудида боғ ташкил этилса, у ерда табиий кўринишга эга бўлган суный кўл шаклантирилиши мумкин.



Шунингдек, микрорайон турар уйлари ҳовлисида ҳам ҳовузчалар барпо этилиб, болалар ва катталар дам оладиган ушбу ҳудудларнинг микроқлимини яхшилашга ҳамда микрорайон ҳудудининг эстетик кўринишини бойитишга хизмат қиласи.

Микрорайон ҳудудида аллеялар, ҳиёбонлар, бульварлар ҳам ташкил этилиши мумкин. Кўкаlamзор ҳудудлар, одатда, ҳам соя-салқин берувчи баланд ўсуви дараҳтлардан, турли даврларда гуллайдиган буталардан, ер ёпма ўсимликлардан ҳамда гулхоналардан иборат бўлади. Кўкаlamзор ҳудудларнинг ландшафт дизайни зерикарли бўлмаслиги лозим. Бунинг учун ёритгич мосламалари, ўриндиқлар, ҳайкалтарошлиқ намуналари, турли кўринишдаги фавворалар, ер ёпма материаллар, кичик меъморий шакллардан унумли фойдаланиш лозим бўлади. Ўсимликларнинг турлича жойлаштирилиши орқали ҳам гўзал композициялар яратиш мумкин. Уйлар оралиғидаги ҳовлиларда болалар майдончалари, катталар учун дам олиш ҳудудлари, вақтинчалик авто тўхташ жойлари ва кир ювиш майдончалари барпо этилади.

Ҳовлилардаги ландшафт дизайни элементлари камтарона кўринишга эга бўлади. Аммо жамоат майдони ҳудудида ташкил этилган кўкаlamзор ҳудудларда ландшафт дизайнининг энг сўнгги ютуқлари асосида гўзал композициялар шаклантирилади. Композиция элементларнинг шакли ва моҳияти ҳудуднинг характеридан келиб чиқсан ҳолда танланади.

Микрорайоннинг турар жой ҳудуди энг катта майдонни эгаллайди ва унинг умумий манзарасини белгилаб беради. Турар жой ҳудуди бир нечта турар жой гурухларидан ташкил топади.

Микрорайон аҳолисининг кўп қисмини болалар ва ўсмирлар ташкил этишини хисобга оладиган бўлсак, турар жой гурухлари орасида болалар майдончалари катта ҳудудни эгаллайди. Ушбу майдонча болаларнинг фаол ҳордик чиқариши учун барпо этилган аттракционлардан, дам олишга мўлжалланган ўриндиқлардан, қумли ўйин майдончаларидан ҳамда қисман соя берувчи яшил ҳудудлардан ташкил топади.

Шуни таъкидлаш жоизки, микрорайоннинг барча кўкаlamзор ҳудудлари ягона ландшафт композициясига асосланган кўринишда шакллантирилиши лозим. Ҳовлилар яхши нисбатларга эга бўлиши ҳамда уйлар деразасидан қараганда жозибали манзарани кузатиш имконияти яратилиши керак. Ҳовли майдонлари ёруғ ва кенг бўлмоғи лозим. Чунки тор ва узун ҳовлилар инсоннинг кайфиятини туширади ва улардан унумли фойдаланиш мушкул бўлади. Ҳовлиларнинг дунё томонларига ва магистрал кўчаларга нисбатан тўғри жойлаштирилиши жуда муҳимдир. Акс ҳолда ҳовлилар уччалик қўёшли бўлмайди, улар сершовқин ва шамоллар таъсирида бўлади.

Турар жойлар ҳовлисини майда кўкаlamзор участкаларига бўлиб ташлаш ярамайди. Бу ерда тантанавор кўринишдаги гулхоналар, оғир монументал кичик шаклларнинг жойлашуви ҳам ноўрин. Ҳовлиларда дабдаба ва симметрик кўринишлар ҳам қўлланмаслиги керак. Экиладиган дараҳтлар ва ўсимликлар тури 3-5 тадан ортмагани маъқул. Бундай ҳудудларда арzon маҳаллий ўсимлик турларидан фойдаланиш лозим бўлади. Ўсимликлар жуда зич ва биноларга тақамасдан жойлаштирилиши керак. Баъзан 1 га ер майдонига 70-80 дона дараҳт экиш кифоя қиласиди.

Микрорайон ҳудудида уй билан авто йўлак оралиғида яшил майдонча мавжуд бўлади. Ушбу майдонча ҳар бир хонадон соҳиби томонидан унинг хохиши, диidi имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда ташкиллаштирилади. Бу эса уй олди майдонларининг турлича, кўп ҳолларда, ниҳоятда хунук ҳолатда намоён бўлишига олиб келади. Шу сабабдан бу майдончаларда 1-2 та дараҳт ёки бута экиб ер юзасини газон ёки бошқа турдаги ер ёпма ўсимликлар ёрдамида безаш мақсаддга мувофиқ бўлади. Умуман олганда, шаҳарлар кўкаlamзор тизимининг учта ҳудудий даражада, яъни макро-, мезо- ва микро- даражаларда қўриб чиқиш зарур ва бу тизимда микрорайон кўкаlamзор ҳудудининг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини унутмаслик керак.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Н. С. Краснощекова Формирование природного каркаса в генеральных планах городов. Москва-2010
2. Е. С. Балакшина Благоустройство территории жилой застройки. . Москва-1969
3. Pinterest сайти